

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАРДОНОВА ГУЛЖАХОН АМОНОВНА**

**ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ АЛЛА ВОСИТАСИДА МАЪНАВИЙ-  
АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Мардонова Гулжахон Амоновна**

Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик  
имкониятлари-----5

**Мардонова Гулжахон Амоновна**

Педагогические возможности духовно-нравственного воспитания детей в семье  
средствами колыбельного пения-----26

**Mardonova Guljaxon Amonovna**

Pedagogical possibilities of spiritual-moral upbringing of children in the family through  
lullaby-----49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works-----52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАРДОНОВА ГУЛЖАХОН АМОНОВА**

**ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ АЛЛА ВОСИТАСИДА МАЪНАВИЙ-  
АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Ped 110 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Якуббекова Мунаввар Мухамадовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Тўхлиев Боқижон**  
филология фанлари доктори, профессор

**Абдурахимова Дилфуза Алиевна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Х.Джўраев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф., академик

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**А.А.Абдуқодиров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув шароитида умуминсоний ва миллий кадриятларни асраб-авайлаш, сақлаш ва уларни келгуси авлодларга етказиш, хусусан оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг истиқболли йўналишлари таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилмоқда. Халқ оғзаки ижоди, ижрочилик санъати, миллий ўйинлар, қадимий урф-одат, маросимлар ҳамда бошқа номоддий маданий меросларни ривожлантириш, уларнинг тарбиявий имкониятларини такомиллаштириш ва ахборот-тарбия муҳитини яратишга ЮНЕСКОнинг 2003 йил қабул қилинган "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги конвенцияси (The UNESCO Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage) репрезентатив рўйхатида белгиланган вазифалар асос бўлмоқда.

Жаҳонда социумнинг янгиланиш шароитида болаларнинг таълим-тарбия олишининг ҳуқуқий кафолатларини яратиш, болаларни деструктив таъсирлардан ҳимоялаш, уларнинг ҳар томонлама етук инсон сифатида вояга етиши учун жамият талаблари доирасидаги функционал мажбуриятларини чуқур англашига эришиш, оналарда алланинг синхрон таъсирчанлиги борасидаги тушунчаларни кенгайтириш, оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий кадриятларнинг аҳамиятини кучайтириш, номоддий маданий меросимизнинг гуманистик миссиясини тарбия жараёнига чуқурроқ сингдириш, болаларда интеллектуал ва маънавий капитални шакллантиришга қаратилган давлат сиёсати болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мақсадини амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. Шунингдек, оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизими самарадорлигини оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлик механизми асосида ривожлантириш зарурати актуаллашмоқда. “Болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун мактабгача таълим муассасаларидаги шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва унинг қулайлигини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш”<sup>1</sup> каби устувор вазифаларни амалга оширишда болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ҳолати, долзарб муаммолари ва педагогик имкониятларини такомиллаштириш, уларга психологик таъсир кўрсатишнинг инновацион усулларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон. – Б.38

ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон “Мақтабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болаларнинг тарбияси муаммо сифатида тарихий характер касб этиб, бу борада Унсурулмаолий Кайковус, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккирлар томонидан яратилган илмий ва дидактик манбалар тарбияшуносликда муҳим аҳамият касб этади. Оилада бола тарбияси, одоб, ахлоқ масалалари улуғ педагоглар Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат асарларининг негизини ташкил этади.

Д.Абдурахимова, М.Иномова, В.Каримова, М.Маҳмудова, О.Мусурмонова, А.Мухсиева, Н.Ортиқов, М.Салаева, М.Умарова, Ў.Шамсиев, Ш.Шодмонова, М.Якуббекова, М.Қуронов илмий ишларида болалар, ўспиринларда маънавият, ахлоқ, миллий ғурур, маданиятни шакллантириш, ота-она муносабатининг бола шахсини тарбиялашдаги ўрни, аллаларнинг поэтик ўзига хосликлари тадқиқ қилинган.

Россия ва ҳамдўстлик мамлакатларининг Т.М.Баринова, А.Байрамукова, Т.А.Берсенева, Р.Гатауллина, Л.М.Донченко, А.А.Жерукова, И.А.Игнатова, С.В.Корецкая, И.В.Прошек, А.Б.Теплова, Б.Д.Увижева, Е.В.Цыганова, М.Чомаева, Н.М.Элиаш, Р.М.Эхаева, Е.В.Юдина каби олимлари томонидан оила тарбиясининг этномаданий хусусиятлари, замонавий шахсни тарбиялашда халқ педагогикаси ғоялари ва аллаларнинг ўрни ҳамда алла қўшиқларини турлаш маҳоратининг ўзига хосликлари ўрганилган. Е.С.Гладнева, И.А.Койшибаева, Т.Конурбаев, И.А.Кузнецова, Е.Н.Спирёвалар томонидан ўқувчиларнинг шахс сифатидаги камолоти ва “Мен” концепциясининг шаклланишида оила тарбиясининг ўрни, халқ анъаналари воситасида кадриятларни шакллантириш муҳимлигининг психологик масалалари тадқиқ этилган.

Хорижий тадқиқотлар тажрибасида оила тарбиясининг бола руҳий юксалишидаги ўрни, маънавий-ахлоқий тарбия муаммосини ҳал этишда оила ва таълим муассасаси ҳамкорлигини шакллантириш, халқ амалий педагогикасининг муҳим воситаси саналган алланинг ижтимоий-психологик хусусиятлари Donne Davis, Marna Elena Walgh, Catherine L’Pittman, Gimenis Toni, К.Алаас, Л.Лю, М.У.А.Сабер, А.Сейедемасума, М.Х.Мортеза, Н.Цэдэндамба, Р.Явариан тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ёшларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш муаммо ва вазифалари” (2009-2011 й.) лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

аллаларнинг ижтимоий-ғоявий мазмуни, тарбиявий таъсири, алла сўзининг этимологик маъноси ва тарихий шаклланишини педагогик нуқтаи назардан талқин этиш ҳамда болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг фалсафий, педагогик ва психологик ҳолатини таҳлил этиш;

болаларнинг ёши, психологик-маънавий ривожланиши бўйича маънавий-ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган алла турларини дидактик мазмунига кўра таснифлаш;

оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-педагогик механизмининг такомиллаштириш;

болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш методининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ўзбек оилаларида болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнининг мазмуни, шакллари ва методлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадга эришиш учун муаммога доир энциклопедик, тарихий-педагогик, сиёсий, фалсафий, адабиётшунослик, психологик, педагогик адабиётларни таҳлил этиш; педагогик таҳлил, анкета, сўровнома, савол-жавоб, суҳбат, кузатиш, интервью, педагогик эксперимент, математик статистик таҳлил этиш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

алланинг тарбиявий шаклланиши мазмуни (алла сўзининг

этимологияси “балу-балу”, “аллала”, “аланг”, “ала” сўзлари фонетик ўзгаришларга боғлиқлиги) тарихий, энциклопедик, педагогик-психологик ҳамда халқ оғзаки ижоди манбаларидаги болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда қўлланилган гносеологик методларнинг фаоллаштирувчи, мотивация уйғотувчи компонентларига устуворлик бериш асосида аниқланган;

болаларнинг алла воситасида психологик-маънавий ривожланиш (чақалокликдан уч ёшгача эркалаш, ардоқлаш; уч ёшдан яхшиликка йўналтирувчи, ўғит-насихат; тўрт ёшдан орзу-умидга йўғрилган; беш ёшдан дидактик аллалар) хусусиятлари алла турларининг дидактик, мантиқийлик, инновационлик тамойилларига ҳамроҳанг равишда аниқланган;

оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигида алла воситасида маънавий-ахлоқий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш механизми кўрғазмали-фаолиятлий фикрлаш, алланинг синхрон таъсири (фонематик товушлар) ва халқ оғзаки ижодининг алла, мақол, топишмоқ, матал, тез айтиш, эртак каби кичик жанрларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

оилада болаларнинг алла воситасида тадрижий маънавий-ахлоқий ривожланишини баҳолаш индикаторлари ретроспектив даврийлик талабларига мувофиқ миллий ва умуминсоний қадриятлар тамойилларига кўра такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган: анъанавий ворисийлик тамойилларини интегратив мувофиқлаштириш асосида “Қизим – моҳим”, “Оналик бахти” ойлик курслари фаолиятининг педагогик ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилди;

“Оила-маҳалла-мактабгача таълим муассасаси” ҳамкорлик тизими, оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш мезонлари, таълимий ўйинлар, интерфаол методлар ва ўйин технологияларидан фойдаланиш муаммоларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила-маҳалла-мактабгача таълим муассасаси билан ҳамкорликда “Болани бешикка белаш”, “Кулча думалатди”, “Дук урди”, “Бобо сув ичди”, “Алла айтай, жоним болам”, “Қизим балоғатга етди” “Бувим алла айтганда” мавзуларида таълимий тадбирлар, кўрик-танловлар жорий этилди;

тадқиқотнинг илмий натижаларига кўра ишлаб чиқилган тавсиялар асосида Республика “Алла уйи” маданий-маърифий жамоатчилик марказининг фаолияти такомиллаштирилди;

оналарнинг болаларни алла воситасида тарбиялаш бўйича билим, кўникма, малакаларини, болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияланганлиги даражасини аниқлаш мезони ва унинг кўрсаткичлари ишлаб чиқилди;

“Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнининг педагогик-ташқилий тузилмаси”, оила–маҳалла–мактабгача

таълим муассасаси учун болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда “Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш”, “Миллий-маънавий қадриятлар ва комил инсон тарбияси” мавзусида методик қўлланмалар, оилавий-маиший маросимларнинг бола тарбиясидаги ўрнига бағишланган “Нур тўла уй” ижтимоий-сиёсий асари, ретроспектив метод асосида “Онам айтган аллалар” илмий-оммабоп рисоалари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот методологик базасининг таъминланганлиги, тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги ва илмийлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, амалга оширилган тадқиқот натижасида оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашга оид назарий ёндашувлар, қарашлар, илмий-методик, педагогик тавсиялар билан педагогика фани бойитилганлиги, оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-ташқилий тузилмаси мамлакатимизда оила олдига қўйилган вазифалар кўлами, оила институтини мустақамлаш, оила–маҳалла–мактабгача таълим муассаси ҳамкорлиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмунига мослиги, илгари сурилган педагогик ғояларнинг олиб борилган тажриба-синов жараёнидаги ижобий ўзгаришларда тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, мавзу доирасидаги изланишлар натижасида оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-психологик асослари, болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакл, метод ва воситалари, оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-ташқилий тузилмаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, тадқиқот натижалари “Педагогика”, “Педагогика тарихи”, “Оила педагогикаси”, “Психология”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” каби фанларнинг мазмунан бойишига хизмат қилади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши фаоллари малакасини, маънавий-маърифий билимларини, мактабгача таълим муассасаси мутахассислари малакасини ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинларида оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш билан боғлиқ давра суҳбатлари, учрашувлар, кўрик-танловларни ташкил этишда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ўғил ва қизларни оилапарварликка тайёрлашга доир таклифлардан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 5 мартда тасдиқланган “Оилада фарзанд туғилиши муносабати билан ўтказиладиган маросимлардаги дабдабозликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси”нинг 1.5 банди: фарзанд туғилиши билан боғлиқ миллий маросимлар ҳақида мақола, тезис ва буклетлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 23 апрелдаги 01-02/2-2-/27-сон маълумотномаси). Натижада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда оналарнинг методик тавсиялар билан таъминланишига ҳамда болаларнинг алла тўғрисидаги тушунча ва билимлари бойишига эришилган;

болаларнинг алла воситасида психологик-маънавий ривожланиш хусусиятлари алла турларининг дидактик, мантиқийлик, инновационлик тамойилларига ҳамоҳанг равишда аниқланишига оид таклиф ва тавсиялар амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг 2019 йил 24 майдаги 524-сон маълумотномаси). Натижада оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда оналарнинг методик қўлланмалар билан таъминланиш самарадорлиги ортган;

оилада болаларнинг алла воситасида тадрижий маънавий-ахлоқий ривожланишини баҳолаш индикаторлари ретроспектив даврийлик талабларига мувофиқ миллий ва умуминсоний қадриятлар тамойилларига кўра такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий қилинган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 21 майдаги 02/09-604-19-сон маълумотномаси). Натижада оналарнинг оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш, болаларда ёшга нисбатан маънавий етукликни шакллантириш самарадорлиги ошган;

оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигида болаларни алла воситасида тарбиялаш механизми кўргазмали-фаолиятий фикрлаш, алланинг синхрон таъсири ва халқ оғзаки ижодининг алла, мақол, топишмоқ, матал, тез айтиш, эртақ каби кичик жанрларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар амалиётга жорий этилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 20 майдаги 02-01/274-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллаларда ота-оналар ва болалар билан амалга оширилган тарбиявий ишларнинг самарадорлиги ва оналарда алланинг мазмун моҳияти, унинг тарбиявий аҳамиятини тушуниш ва тарбия жараёнида қўллаш имконияти ошган;

тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган алланинг тарбиявий шаклланиши мазмуни тарихий, энциклопедик, педагогик-психологик ҳамда халқ оғзаки ижоди манбаларидаги болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда қўлланилган гносеологик методлари “Тарбия”

энциклопедиясига киритилган. (“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриётининг 2019 йил 20 майдаги 01-189-сон маълумотномаси). Натижада, болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда оналарнинг масъулиятини кучайтириш, уларнинг билим, малакасини ошириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 халқаро, 3 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 35 илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 мақола ва хорижий журналларда 2та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, эълон қилинганлиги ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик-психологик асослари”** деб номланган биринчи бобида оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим педагогик муаммо эканлиги, алла воситасида тарбиялашнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва ҳозирги шароитда алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг амалиётдаги ҳолати танқидий таҳлил этилган.

Янгиланган жамият фуқаросини баркамол шахс сифатида вояга етказиш, унда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш оила зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да оила асосларини янада мустаҳкамлаш масаласи қатъий белгилаб қўйилган.

Болаларда инсон ақлий, руҳий ва ички оламини ифодаловчи маънавият ҳамда муомала, ҳатти-ҳаракат одоби саналган ахлоқни

шакллантириш муҳимдир. Маънавият ва ахлоқ тушунчасини жамиятнинг умумий ривожланиш омилларидан айри тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ахлоқ Абу Райҳон Беруний фикрича: “Тўғри сўзни сўзлаш ёки тўғри ишни қилишда ўлимни писанд қилмасликдир”, А.Авлоний наздида бу – “инсонларни яхшилиқга чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илм”.

Ш.Шодмонованинг фикрича, ахлоқий тарбияда самарали натижаларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим: болаларда ахлоқий ҳис-туйғулар, тасаввурлар ва ҳатти-ҳаракатларни тарбиялаш; хулқ маданиятини ва ижобий сифатларни тарбиялаш; шахсда ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш; хулқдаги салбий томонларни барҳам топтириш.

Е.В.Циганова ахлоқий тарбия бир лаҳзадаёқ натижа бермайди, муайян вақт ўтганидан кейингина намоён бўлади, деган илмий фикрни олдинга суради. Р.М.Эхаева, Б.Д.Увижева, М.Чомаева, М.У.А.Сабер, К.Алааснинг фикрича, маънавий-ахлоқий тарбия миллат кифасини белгилайди.

А.А.Жерукованинг фикрича, инсоннинг ҳаётга мослашиб боришида алла ва эркалама айтимлар, лирик кўшиқлар катта аҳамият касб этади. Маҳмуд Қошғарий қадимги туркий қабилалар оналари фарзандларини ухлатишда “балу-балу” сўздан фойдаланганликлари тўғрисида маълумот қолдиради. О.Сафаров русларда “байки” ёки “баюшки” атамаси билан юритилувчи бундай кўшиқлар туркманларда “хувдилар”, озарбайжонларда “лай-лай”, татарларда “алли-балли”, қорақалпоқларда “хеййа-хеййа”, туркларда “нинни”, форсларда “ло-ло”, немисларда “wieqelied”, французларда “bekcuse”, деб юритилиши тўғрисида маълумот беради.

О. Сафаров алла сўзининг этимологияси хусусида фикр юритар экан, рус тилшунос олими Л.З. Будаговнинг фикрига суянган ҳолда чиғатой улуси сўзлашувида “аллала” сўзи бошнинг орқа томонини, яъни энсани англатиши ҳақида маълумот беради. Рус туркшунос олими В.В.Радловнинг фикрича, “аланг” – беспокойный, яъни ҳаракат; алангда “колебаться, двигаться туда и сюда”, яъни тебранмоқ, у ёқ бу ёққа ҳаракат қилиш; аланг – зы – колебаться – “тебранмоқ” маъносини англатади. Фольклоршунос олима М.Ёқуббекованинг фикрича, алла сўзи тебранмоқ маъносини англатувчи қадимги “аланг” ўзагидан келиб чиққан.

Диссертацияда алла – “алангламоқ” сўзининг “ала” ўзаги билан боғлиқлиги ҳақидаги мулоҳаза илгари сурилди. Чунки “алангламоқ” сўзи тебраниш ва ҳаракат маъноларини ифодалайди. Бунда айнан бола бешиқда, беланчакда, она бағрида ухлаётган жараёнда алла айтилишини инобатга олиниши назарда тутилади.

Инсоният томонидан мусиқий оҳангларнинг ўзлаштирилиши ва яратилиши ҳам инсон ва оламнинг уйғунлигини англатади. Тадқиқот ишида аллаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ қуйидаги фикрлар илгари сурилди: аллалар халқ оғзаки ижодининг мустақил жанри сифатида аёлларнинг табиий равишда оналик ҳисси ва тарбиялаш масъулиятини туйган дастлабки даврда қуйлана бошланган; аллалар оналар учун

фарзандини яхшиликка чорлаш, тилак-ниятларини изҳор қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг манбаи ҳисобланган.

Тадқиқот давомида алланинг тарбиявий шаклланиши мазмуни (алла сўзининг этимологияси “балу-балу”, “аллала”, “аланг”, “ала” сўзлари фонетик ўзгаришларга боғлиқлиги) тарихий, энциклопедик, педагогик-психологик ҳамда халқ оғзаки ижоди манбаларидаги болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда қўлланилган гносеологик методларнинг (фаоллаштирувчи, мотивация уйғотувчи) компонентларига устуворлик бериш асосида аниқланди.

Халқ оғзаки ижоди манбаалари асосида аллалар гўдакка меҳру муҳаббат, ардоқ ифода қилувчи; ўғит ва насиҳат (дидактик); орзу-умидга йўғрилган, она изтиробини ва ҳасратларини баён қилувчи; фарзандининг порлоқ келажагига ишонч, унга яхши тилаклар изҳор этувчи каби турларга ажратилди. Диссертацияда болаларнинг алла воситасида психологик-маънавий ривожланиш (чақалоқлик давридан уч ёшгача эркалаш ва ардоқлаш; уч ёшдан яхшиликка йўналтирувчи, ўғит-насиҳатга йўғрилган; тўрт ёшдан орзу-умидга йўғрилган, оз миқдорда ҳасрат ва кўпроқ миқдорда умидбахш; беш ёшдан фарзандининг порлоқ келажагига ишонч, унга яхши тилаклар изҳор этувчи дидактик аллалар) хусусиятлари дидактик, мантиқийлик, инновационлик тамойилларига ҳамоҳанг равишда аниқланди.

Оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлиги тизими доирасида болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда қуйидаги тамойилларга асосланган: ворисийлик, сулоланинг муайян анъаналарга эгаллиги, болаларнинг ёш хусусияти, фарзандларнинг гендер мансублиги ва ўзига хос психологик сифатлари, индивидуал тарбия ва ижодий ёндашиш, онанинг педагогик қобилияти, ибрат, миллий-маънавий қадриятларга ҳурмат.

Болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнини уларга яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузликни фарқлаш, жамиятнинг ахлоқий ва маданий қадриятлари, шунингдек маънавий-ахлоқий сифатлар – саҳийлик, меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, тинчликсеварлик ҳақида маълумот олишларига ёрдам берувчи ўзбек халқ эртаклари, топишмоқ, мақол ва маталлар билан тўлдириб борилишига катта эътибор қаратиш лозим.

Болалар ёшлигиданок халқ оғзаки ижоди жанрлари билан таништирилади. Булар – она алласи, ўйинлар – болалар билан эрмаклар (“Чапаклар”, “Қўл ҳаракатлари”, “Ҳайвонлар ҳаракатларига тақлидлар”), мақоллар, маталлар, топишмоқлар, эртаklar. Халқ оғзаки ижоди болажонларнинг билиш фаоллиги, мустақиллиги, индивидуаллиги, ҳиссиётлари, атроф-оламга муносабати, нутқ кўникмалари ривожланиши учун катта имкониятлар яратади. Мактабгача таълим муассасаси ва оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг турли шакллари билан мақсадли ва тизимли фойдаланиш уларнинг руҳий ва жисмоний жиҳатдан камол топишига замин яратади.

Педагогик тадқиқот жараёнида болаларнинг ёшга хос даврлари инобатга олиниб, уларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятлари (педагогик таъсирини дифференциациялаш, индивидуаллаштириш, болаларнинг мустақиллигини фаоллаштириш) дидактик мазмунига кўра аниқланди.

Юқорида келтирилган назарий таҳлиллар ва маълумотлар асосида оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш зарурлиги аён бўлди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш”** деб номланиб, унда аллаларнинг ижтимоий-ғоявий, тарбиявий таъсири ва оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни, самарали шакл ва методлари масалалари ўз аксини топган.

Кучли тарбиявий восита сифатида аллаларнинг икки томонлама таъсир кўрсатиши аниқланди: аллалар болаларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга, уларни ижтимоий муносабатлар жараёнига тайёрлашга хизмат қилади; онанинг маънавияти, ички олами, руҳий кечинмаларини бойитади, ижобий эмоцияси ва боласига нисбатан меҳру муҳаббатини ривожлантиради. Алла айтиш онадан болага алоҳида эътибор кўрсатишни, сабр-тоқатли, меҳрибон, матонатли ҳамда ижодкор бўлишни тақозо этади. Она алла айтиш вақтида ўз олдида болани ухлатишнигина эмас, балки унинг руҳини тарбиялаш, ички дунёсини бойитиш мақсадини кўзлайди. Аллаларнинг моҳияти, ғоявий, руҳий ва тарбиявий хусусиятларини, улардан ёш авлод тарбиясида фойдаланиш тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди. Алла оилада болаларни руҳий-ҳиссий, иродавий ва маънавий-ахлоқий тарбиялашда муҳим восита саналади. У болаларда илк нутқий кўникма шаклланишига ҳисса қўшади. Алла айтиш ижодий хусусиятга эга бўлиб, ҳар бир она бу жараёнда ўз имконияти, ижро малакаси, ҳаётий тажрибаси, ижодий тафаккури, дунёқараши, характери ва ҳатто касбий хусусиятларига таянади. Халқнинг турмуш тарзи, маданий ривожига ҳам аллалардаги ғояларнинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади. Алла воситасида бола атроф-муҳит, ижтимоий борлиқ, оилавий шажара билан таништирилади. Аллаларда фақатгина эзгу ғоялар куйга солинади ва унинг тинчлантирувчи, ором бахш этувчи хусусиятга эгаллиги болаларни руҳий жиҳатдан босиқ бўлиб вояга етишларига ёрдам беради.

Оналарнинг оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда аллаларнинг тарбиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш эҳтиёжи; оила, таълим муассасаси, маҳалла ҳамда ижтимоий ташкилотлар томонидан балоғат ёшидаги қизлар, ёш оналарда аллалар айтиш кўникма ва малакаларини шакллантириш; аллалардаги миллий ўзлик ва ўзига хосликни асраб-авайлаш, эзгуликка чорловчи таълим-тарбиявий аҳамиятини тушунтиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларнинг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди.

Диссертацияда оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг куйидаги педагогик шарт-шароитларини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган: аллани боланинг ёш хусусиятига кўра танлаш; тарбияни тизимли, изчил ташкил этиш; алла тинглаган боладаги психологик-маънавий ўзгаришларни мунтазам кузатиш; алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали метод ва усулларидан фойдаланиш; болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигини такомиллаштириш.

Мактабгача таълим муассасаси ва маҳаллалардаги таълим-тарбия жараёнида юқорида қайд қилинган ташкилий ва педагогик-психологик шарт-шароитларни амалга ошириш болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда, балоғат ёшидаги қизлар ва ёш оналарда аллалардан тарбия воситаси сифатида фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва методик тайёргарликни ривожлантиришга имкон беради.

Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнининг педагогик-ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди (1- расм). Дастлаб 4-7 ёшли болаларнинг алла тўғрисидаги илк тушунча ва билимини ўрганиш (диагностика), болаларда алла тўғрисида тушунча ва билимларни, маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш, болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашга таъсир кўрсатувчи педагогик шарт-шароитларнинг дидактик имкониятлари ўрганиш асосида алла воситасида болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни, оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигидаги амалий тадбирлар ва машғулотлар моҳияти аниқлаштирилди. Алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни “Қизим-моҳим”, “Оналик бахти” ойлик курслари ҳамда маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг куйидаги воситалари орқали жорий этилди: методик қўлланмалар, рисоалар, “Бола бошидан” рукнидаги ижтимоий роликлар, ОАВ материаллари, аллалар матни жойлаштирилган DVD ва CD дисклар, интернет материаллари. Оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигидаги амалий тадбирлар ва машғулотлар оилада ворисийликка асосланган тарбиявий тадбирлар (маросимлар, алла айтишувлари, таълимий ўйинлар); маҳаллада маърифий тадбирлар (кўрик-танловлар, кекса авлод вакиллари билан учрашув, суҳбат); МТМда амалий машғулотлар (анъанавий, ноанъанавий ўйин технологиялари, мужассам машғулотлар) сценарийлари асосида амалга оширилди. Баҳолаш мезони асосида респондент-болаларнинг алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражалари, респондент-оналарнинг оилада болаларни алла воситасида тарбиялашга оид билим, кўникма ва малакалари ошганлиги аниқланди.

Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда тушунтириш, уқтириш, суҳбатлашиш, эркалаш, ардоқлаш, ибрат кўрсатиш, рағбатлантириш каби мотивация уйғотувчи; “аразлаш”, “нигоҳ ташлашдан маҳрум қилиш”, “мулоқотдан маҳрум қилиш” каби “жазо” усуллари, шунингдек, интерфаол методлар ва ўйин технологияларидан


фойдаланилди.

Оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигида алла воситасида маънавий-ахлоқий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш механизми кўргазмали-фаолиятлий фикрлаш, алланинг синхрон таъсири (фонематик товушлар) ва халқ оғзаки ижодининг алла, мақол, топишмоқ, матал, тез айтиш, эртак каби кичик жанрларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилди.

Танланган таълим-тарбия шакл ва методларини қўллашда қуйидаги мақсадларга эришиш назарда тутилди: 4-7 ёшли болаларга эзгулик ва инсоний сифатлар ҳақида тушунча бериш ва уларда одамийлик фазилатларини шакллантириш; уларни оила ва маҳаллада ёши улуғлар, ота-оналарни иззат-хурмат қилиш, кичикларга шафқатли бўлишга ўргатиш; табиатни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини севишга ўргатиш (экологик тарбия); уларни Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, она заминга, тарихимизга, маънавий-моддий меросимизга меҳру муҳаббатли бўлиш руҳида тарбиялаш; болаларда касб ва ҳунарлар тўғрисида илк тасаввурларни, меҳнатсеварлик сифатларини шакллантириш; уларга диний бағрикенглик (толерантлик) ва тинчликсеварлик тўғрисида илк тушунчалар бериш.

Балоғат ёшидаги қизлар ва ёш оналарнинг аллалардан тарбия воситаси сифатида фойдаланиш бўйича методик тайёргарлиги ва педагогик сифатларини шакллантириш улардан қуйидагиларни билишини тақозо этади. Психологик-педагогик билимлар – болаларнинг ёши ва индивидуал, психофизиологик хусусиятлари, тарбия жараёнини ташкил қилишнинг шакл, метод ва воситалари, болаларнинг алла ҳақидаги билими ва тушунчасини аниқлаш методикасига эгаллиги. Инновацион педагогик технологиялар, алла айтишга қўйилган талаблар, таълим ва тарбиянинг бирлиги қонунияти, болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мақсадлари, алланинг турлари ва уларнинг мазмунидан хабардорлик. Болалар билан педагогик мулоқотни ташкил қилиш маҳорати, мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, ота-оналар, ҳамкасблар билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабатлар ўрнатиш лаёқатига эгаллик. 4-7 ёшли болалардаги аллаларда ифодаланган ғояларнинг тушунарлилик даражаларини таҳлил қилиш лаёқати, агар бола алла мазмунини тушунмаса, топшириқни янада содда шаклда қайта ифодалаш қобилияти, ижодий изланиш муҳитини яратиш маҳорати, болаларнинг ички кечинмалари ва эмоционал ҳолатларини тушуниш, ҳиссий муносабат ўрнатиш лаёқати ривожлантирилди.

Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнининг ишлаб чиқилган педагогик-ташкилий тузилмаси (модел)ни амалиётда тўлиқ жорий этиш орқали ташкил этилган тарбиявий тадбир, оилавий маросимлар ва машғулотларнинг сифати ҳамда педагогик самарадорлигига эришилди.



**1.-расм. Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнининг педагогик-ташкилий тузилмаси.**

Юқорида келтирилган назарий таҳлиллар ва маълумотларга асосан оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш зарурлиги аён бўлди.

Диссертациянинг **“Оилада болаларни алла воситасида маънавий-**

**ахлоқий тарбиялашнинг сифат кўрсаткичлари”** деб номланган учинчи боби оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг методик таъминоти ва оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг самарадорлигини ёритишга бағишланган.

Тадқиқотни амалга оширишга қаратилган педагогик фаолият қуйидаги метод ва методикалар асосида ташкил этилди: “Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятлари” тажриба-синов ишлари дастури; “Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятлари” бўйича оила–маҳалла–мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигидаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. 4-7 ёшли респондент-болалар ва респондент-оналар учун савол-жавоблар, анкеталар, жараёнга жалб этилган экспертлар учун сўровномалар тайёрланди. Тажриба иштирокчилари билан ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар, амалий машғулотларнинг сценарийлари тайёрланди. Тажриба-синов ишларига жалб этилган 4-7 ёшли респондент болаларнинг оилада алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш ҳолатини баҳолашга оид савол-жавоб; респондент-болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялашда алланинг аҳамиятини баҳолашга оид савол-жавоб; оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасини аниқловчи баҳолаш мезони ва унинг кўрсаткичлари белгиланди. Синов ишларига жалб этилган оналарнинг алланинг моҳиятини англаш маданиятига эгалиklarини аниқловчи назорат ишлари (саволлар тўплами, анкеталар), оналарнинг алланинг моҳиятини англаш, улардан фойдаланиш маданиятига эгалиklари даражасини аниқловчи баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари белгиланди. Тажриба-синов ишларининг натижаларини баҳолаш учун мўлжалланган эксперт варақаси тайёрланди. Тажриба-синов ишлари педагогик кузатиш, савол-жавоб, анкета сўрови, суҳбат, интервью, педагогик тажриба, эксперт баҳолаш, математик статистика методлари орқали амалга оширилган.

Тадқиқот ишининг изланиш босқичида 4-7 ёшли респондент болаларнинг 80%да алла тўғрисидаги билим ва тушунча кўрсаткичи ўртачадан пастлиги, респондент сифатида иштирок этган оналарнинг 50% болаларини маънавий-ахлоқий тарбиялашда алладан фойдаланмаслиги, унинг тарбиявий имкониятларини етарлича баҳолай олмаслиги маълум бўлди.

Тажриба-синов ишларида оилаларда ворисийликка асосланган тарбиявий тадбирлар қуйидаги мавзуларда амалга оширилди: “Болани бешикка белаш”, “Дук урди”, “Бобо сув ичди”, “Кулча думалатди”. Маросимларнинг тарихий келиб чиқиши, бажарилган урф-одатларнинг тарбиявий аҳамияти, она томонидан қуйланган аллаларнинг тарбиявий-ғоявий мазмуни, ижтимоий-психологик хусусиятлари диссертант томонидан респондентларга тушунтирилди.

Маҳаллаларда йўлга қўйилган “Қизим – моҳим”, “Оналик бахти”

ойлик курслари фаолияти орқали оила қуриш ёшидаги қизлар, ёш оналар аллаларнинг болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги аҳамияти билан таништириб борилди, уларда алла айтиш кўникма ва малакалари ривожлантирилди. Тажриба-синов ишларида маҳаллаларда қўйидаги тадбирлар амалга оширилди: “Алла айтай, жоним болам”, “Қизим балоғатга етди”, “Бувим алла айтганда”.

Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялашда тушунтириш, уқтириш, суҳбатлашиш, эркалаш, ардоқлаш, ибрат кўрсатиш, рағбатлантириш каби мотивация уйғотувчи, “аразлаш”, “нигоҳ ташлашдан маҳрум қилиш”, “мулоқотдан маҳрум қилиш” каби “жазо” усуллари, шунингдек, интерфаол методлар ва ўйин технологияларидан фойдаланиш самарали натижалар бериши педагогик тажрибада исботланди.

Мактабгача таълим муассасасига мўлжалланган машғулотишланмалар учун шундай мавзуда аллалар танландики, улар Ватанни севиш, меҳнатсеварлик, ботирлик, тинчликни асраш, ота-онани ҳурмат қилиш каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга хизмат қилди. Тажриба даврида машғулотларни бевосита мактабгача таълим муассасаси ходимлари, ота-оналар, бувилар, маҳалла жамоаси билан ҳамкорликда ташкил этишга эътибор қаратилди.

Ноанъанавий ўйин технологияларини эркин, ихтиёрий тарзда ташкил этиш сценарийси ишлаб чиқилди. Саҳна кўринишларида оналар ҳам иштирок этиб, улар ўз фарзандларига айтадиган аллалардан фойдаландилар. Аллаларнинг мазмуни мутахассислар ва тарбиячилар кўмагида шарҳланди. Тарбияланувчилар аллалар мазмунига кўра оналарнинг орзу-истаклари, фарзандларига билдираётган тилаклари моҳиятини англадилар. Ноанъанавий ўйин технологияларининг аҳамиятли жиҳати шундаки, мактабгача таълим муассасасида турли миллатга мансуб болалар тарбияланаётганлиги боис уларнинг оналари ҳам ўз тилларида алла айтдилар. Натижада тарбияланувчилар аллаларнинг қандай миллатга тааллуқли эканлигидан қатъи назар улар мазмунида эзгу ғоялар, борлиққа, атрофдагиларга яхшилик улашиш, фарзандларнинг бахтли ҳаёт кечиришларини тиловчи истаклар ифодаланишини тушуниб олдилар. Машғулотлар жараёнида тарбияланувчиларнинг нутқ бойликлари ҳам ошди. Бу Тошкент шаҳар 567-МТМдан олинган далолатномада ўз аксини топган.

Болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнининг самарадорлиги (респондент-оналар ва болалар мисолида) билиш мезони асосида баҳоланди. 4-7 ёшли болаларнинг алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбияланганлиги даражалари болаларнинг аллани тушуниши, болаларда алла тинглашга эҳтиёжнинг мавжудлиги, болаларнинг аллани мазмунан фарқлаши, болаларда маънавий-ахлоқий сифатларнинг шаклланганлиги кўрсаткичлари бўйича баҳоланди ва қайд этилган натижалар юқори, ўрта, паст даражаларда баҳоланди.

